

**ТАБИЙ (СҮЮЛТИРИЛГАН)  
ГАЗ СОТИШ ШАРТНОМАСИ № 35**

2022 йил «15» январ

Когон шахар

«Махсулот етказиб берувчи», деб аталувчи “Нурилло Урал Транс”  
(ташкilot, корхона номи) (кейинги ўринларда “Таъминотчи” деб юритилади) номидан ўзининг  
низоми (низоми, устави, ишончнома) асосида иш юритувчи жамият директори Хамроев Ф.Н  
(вазифаси, фамилияси, исми) тимсолида, бир томондан ва Когон шахар СЭО ва ЖСБ  
(корхона, ташкilot, муассаса номи), (кейинги ўринларда “Истеъмолчи” деб юритилади) номидан  
ўзининг низоми (низоми, устави, ишончнома) асосида иш юритувчи раҳбари В.А.Кодирова  
(вазифаси, фамилияси, исми) тимсолида, иккинчи томондан мазкур шартномани қуидагилар  
хақида туздилар.

## 1. ШАРТНОМА МАЗМУНИ

1.1. «Таъминотчи» «Истеъмолчи»га табий (сүюлтирилган) газ сотиш бўйича 2022 йилга  
ажратилган лимитларга асосан, боинка махсулотлари турлари бўйича эса  
«Таъминотчи»нинг ресуре имкониятлари ва «Истеъмолчининг талабномасида кўрсатилган  
эҳтиёжларига асосан тузилган ва томонлар келингилган спецификацияга биноан етказиб беришни  
ўз зиммасига олади. Тузилган спецификация ва график шартноманинг ажралмас қисми  
хисобланади.

1.2. Тўловлар «Истеъмолчи»нинг 2022 йилги ҳаражатлар сметасида ажратилган маблағлардан  
ошмаган ҳолда амалга оширилади.

1.3. Шартноманинг умумий суммаси 1500000 /Бир миллион бес ўз/  
сўмни ташкил киласди. Шартноманинг суммаси газ махсулотлари ишлаб чиқарувчилар  
томонидан ишлаб чиқидаётган газ махсулотларининг нархлари, нефт махсулотини ташиб билан  
боглик темир йул ҳаражатлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси ва Молия  
вазирлиги карорига асосан ўзгартирилганда ёки газ махсулотлари таъминоти корхоналарининг  
устами нархлари ўзгарганда ёхуд нархлар боинка объектив сабабларга кўра ўзгарганда қайта кўриб  
чикилади.

## 2. МАХСУЛОТ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ТАРТИБИ ВА МУДДАТЛАРИ

2.1. Табий (сүюлтирилган) газ махсулотлари «Истеъмолчи»га ажратилган лимитлар доирасида,  
«Истеъмолчи» таксимотига кўра ўз транспортгида, марказлантирилган тарзда, «Транзит» билан  
ёки ёқилги қуйин шаҳобчалиридан таркатини ведомостлари асосида белгиланган тартибда  
(керақлисини ости чизиб қўйилсин) етказиб берилади.

2.2. табий (сүюлтирилган) газ махсулотларини ортии (олиб чикиб кетини) томонлар келишган  
вактда, ортии жадвалига асосан амалга оширилади. Махсулотни ортиш вақти томонлар  
келишувига асосан ўзгартирилиши мумкин.

2.3. «Истеъмолчи» табий (сүюлтирилган) газ махсулотларини ўз тасарруфидаги транспорт  
воситаси билан олиб кетинида табий (сүюлтирилган) газ махсулотларини ташиб кетишга  
қўйиладиган барча таъбларга риоя килишини ўз зиммасига олади.

2.4. «Таъминотчи» омборига махсулот қуйин учун олиб келинган автомобил цистерналари 1510-84  
давлат стандарти таъблига жавоб бермаган таксирида автоцистерналар махсулот қуишига  
киритилмайди. Мазкур транспорт воситаларининг бўйи бориб келиши учун килинган ҳаражатлар  
«Истеъмолчи» зиммасига тунади.

2.5. табий (сүюлтирилган) газ махсулотлари қўйилган автоцистерналар («Истеъмолчи»нинг  
автотранспортида олиб кетини ҳоллари бундан мустасно) «Таъминотчи» ёки унинг бўлимлари  
томонидан амалдаги мөърий техник хужжатларга (1510-84 давлат стандарти) мос тарзда  
тамгаланади. Тамгалан «Истеъмолчи»нинг таъблига биноан амалга оширилади.

2.6. табиий (суюлтирилган) газ махсулотлари «Таъминотчи» транспорти билан ташилганда транспорт хужжатларида транпорт хизматининг ҳаки ҳам кўрсатилади.

2.7. «Таъминотчи» махсулот йўклиги сабабли махсулотни тўла бермаган тақдирда, берилмай қолган махсулот миқдорини (лимити) кейинги даврда етказиб бериши шарт

Агарда махсулоти етказиб берилмаганлиги «Истеъмолчи»нинг зарар кўришига олиб келса, «Таъминотчи» кўрилган зарарни тўлайди.

### **3. ХИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ ВА НАРХЛАРИ**

3.1. Ушбу шартнома ўзаро хисоб-китоблар учун асос ҳисобланади.

3.2. «Истеъмолчи» олаётган нефт махсулоти учун ҳар ой олдиндан тулов:

- табиий (суюлтирилган) газ (Метан ва бензин) учун 100 фоиз;

- табиий (суюлтирилган) газ учун 30 фонз миқдорида 2022 йил 31 декабргача амалга оширилади.

3.3. «Истеъмолчи» томонидан тўловлар ҳар ойда, илова килинган графикка асосан, ҳаражатлар сметасида ажратилган маблағлар доирасида амалга оширилади.

3.4. «Таъминотчи» табиий (суюлтирилган) газ махсулотларини «Истеъмолчи»га махсулотни юклаш пайдидаги улгуржки нархда сотади, бунда корхона устами нархи ва темир йул ҳаражатлари хисобга олинади.

3.5. табиий (суюлтирилган) газ махсулотларининг нархи, темир йул ҳаражатлари ва корхонанинг устами нархи ўзгарган тақдирда ушбу шартнома ва спецификацияга тегишли ўзгартиришлар киритилади.

### **4. ҚАБУЛ КИЛИШ ТАРТИБИ**

4.1. табиий (суюлтирилган) газ махсулотларининг миқдори ва сифати бўйича «Истеъмочи» «Ишлаб чиқариш техника ва ҳалқ истеъмоли молларини миқдор (П-6) ва сифат (П-7) жихатидан қабул қилиб олиш тартиби тўғрисида йўрикнома»га ҳамда боинка норматив хужжатларга асосан қабул қилиб олинади.

### **5. МАХСУЛОТ СИФАТИ**

5.1. Етказиб бериладиган махсулот сифати ГОСТ 1510-85 давлат стандартлари ва техник шартларига мос бўлини ҳамда бу махсулот ортиш ва кузатувчи хужжатларида қайд этилиши лозим.

### **6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

6.1. «Таъминотчи» табиий (суюлтирилган) газ махсулотларини етказиб бериш -муддатларини кечиктирганлиги ва ўз муддатида етказиб берилмаганлиги учун «Истеъмол»чига мажбуриятлар бажарилмаган кисми устидан 0,5 фоиз миқдорида пения тўлайди, лекин тўланадиган пениянингумумий миқдори етказиб берилмаган нефт махсулотлари кийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим. Пения тўланни шартнома мажбуриятларини бузган томонни неф табиий (суюлтирилган) газ махсулотларини кечиктириб ёки етказиб берилмаганлиги оқибатида юзага келган зарарни тўланидан озод отмайди.

6.2. Амалдаги қонунчилик ва хўжалик шартномаси, стандартлар, техник шартлар. Сифат талаби, турлари ва ассортиментлари бўйича талабга тўтирилган табиий (суюлтирилган) газ махсулотлари етказиб берилганда «Истеъмолчи» табиий (суюлтирилган) газ махсулотларини қабул килингандан боин тортиши. «Таъминотчи»дан талаб даражасида бўлмаган табиий (суюлтирилган) газ махсулотлари кийматининг 20 фоизи миқдорида жарима ундириши, агар махсулот киймати тўланган бўлса, белгиланган тартибда тўланган маблағни қайтиб олиш хукуқига эга. Талаб даражасида бўлмаган табиий (суюлтирилган) газ махсулотлари етказиб берилганлиги учун жарима «Таъминотчи»дан акцептсиз тартибда ундирилади.

6.3. Шартномада белгиланган муддатда олинмаган ва табиий (суюлтирилган) газ

сметасида мавжуд маблағлар ҳисобидан «Таъминотчи» га олинмаган маҳсулотининг умумий қиймагини 5 фоизи микдорида жарима тұлайди. Табиий (суюлтирилган) газ маҳсулотлари тұлик олинмаган тақдирда «Гаъминотчи», жарима үндеришдан ташқари, маҳсулот олинмаганлыги натижасида күрган зарап кийматини тұлашни ғалаб килишга хакли. бунда у мазкур маҳсулотнинг борлигига кафолат бериши лозим.

6.4. Етказиб берилган табиий (суюлтирилган) газ маҳсулоти тұловини 60 күнлик кечиктириб юборғанлик учун «Истеъмолчи» ҳисобидан «Таъминотчи»га үтказиб юборилған ҳар бир күн учун кечиктирилған Тұлов суммасининг 0,4 фоизи микдорида, аммо кечиктирилған Тұлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган микдорда пеня тұлайды.

6.5. Ушбу шартномада бирон-бир шартнинг бажарилмаганлыги учун жавобгарлик белгиланмаган бўлса, у ҳолда мазкур бажарилмаган шартлар учун жавобгарлик Ўзбекистон Республикаси Фуқоролик Кодекси ва «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий хукукий базаси тўғрисида»ги қонунга биноан қўлланилади.

## **7. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ**

7.1. Мазкур шартнома 2022 йил « 15 » январдан 2022 йил « 31 » декабргача амалда бўлади.

7.2. Мазкур шартнома икки нусхада тузилиб, бир хил юридик кучга эга бўлиб ҳисобланади ва томонларнинг ҳар бири учун бир нусхадан берилади.

## **8. ШАРТНОМАНИНГ ҚОНУНИЙ КУЧГА КИРИШИ**

8.1. 2006 йил 1 январдан амалга киритилған Ўзбекистон Республикаси “Давлат бюджетининг Ғазиа ижроси тўғрисида”ги қонуннинг 7-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги 594-сонли карорининг 6-бандига асосан бюджет ташкилотларининг товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб берувчилар билан шартномалари, шунингдек буюртмачиларнинг Давлат бюджети маблағлари ҳисобига капитал қурилишга оид шартномалари мажбурий тартибда Ғазиачиликда рўйхатга олиниши шартлиги ва факат у амалга оширилгандан кейин кучга кириши назарда тутилган

## **9. ФОРС-МАЖОР ХОЛАТЛАРИ**

9.1. Агар шартнома тузилгандан сўнг иккала томон ўз мажбуриятларини ғайри табиий ҳолатлар, сув тошкени, ёнғин, ер кимирланиш ва бошқа табиий оғатлар сабабли бажармаса хеч қайси томон тўла ёки кисман бажарилмаган мажбуриятлар учун жавобгар ҳисобланмайдилар

## **10. ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР**

10.1. Ушбу шартномада назарда тутилмаган бошқа барча масалаларни тарафлар Фуқаролик Кодекси ва “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўғрисида”ги қонунга амал қилган ҳолда тартибга келтирилади.

## **11. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ**

11.1. Тарафлар ўртасида келиб чиқадиган низолар амандаги суд қонун хужжатларида белгиланган тартибда хўжалик судлари томонидан ҳал қилинади.

11.2. Мазкур шартномага киритилған ҳар қандай ўзгартиринилар ва қўшимча ёзма равишда бўлиб, ҳар икки томон имзоланғандан кейингина хакикий ҳисобланади.

11.3. Тарафлар ўртасида муносабатлар улар томонидан мазкур шартноманинг барча шартлари бажарилған ва ҳисоб-китоб тұлик туталғанған тақдирда тұхтатилади.

11.4. Ушбу шартнома имзоланған кундан бонилаб 2022 йил 31 декабргача кучда бўлади.

12. Томонларнинг юридик манзили ва банк реквизитлари.

«Таъминотчи»

«Нурилло Урал Транс»

(Товар етказиб берувчи ёки хизмат кўрсатувчининг  
номи)

«Истемолчи»

Когон туман СЭО в ЖСБ

(бюджетдан маблағ олувчи ташкилотнинг номи)

Манзил: Бухоро вилояти Когон ш. К.Бозор шоссе

Манзил: Когон шахар Дустлик кучаси

Тел./факс 91-440-32-33

Тел./факс 65-524-47-07

х/в 20208000300298865001

и/х\* 100022860062197074110054001

Банк номи Бухоро капитал банк

бюджетдан маблағ олувчи СТИРи 201557313

МФО 01082

ОКОНХ 91531

ОКОНХ 51510

Газначилик бўлинмаси номи: Когон туман  
Газначилик бошкармаси

СТИР 302906396

Газна х/в: 23402000300100001010

Раҳбар Ҳамроев Ф.Н

(Ф.И.Ш)



(лавозим) (Ф.И.Ш)

Раҳбар В.А.Кодирова

Газначилик бўлинмаси СТИРи: 201122919

Банкнинг номи: Марказий банкнинг ХККМ

Тошкент шахар

МФО: 00014

Газначилик бўлинмаси СТИРи: 201122919

Раҳбар В.А.Кодирова





UZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI  
BUXORO VILOYATI ADLIYA BOSHQARMASI  
KOGON TUMAN YURIDIK XIZMAT KO'RSATISH MARKAZI

200700, Kogon shahar, Amir Temur ko'chasi, 3-uy,  
tel.: (998 65 220-11-59) , el.pochta: kogonturmarkaz@adliya.uz

2022 йил 19 январ

Когон туман СЭО ва ЖСБга

**ЮРИДИК АҲАМИЯТГА ЭГА ҲУЖЖАТЛАРНИНГ ҚОНУН  
ҲУЖЖАТЛАРИГА МУВОФИҚЛИГИ ТҮҒРИСИДА  
ХУҚУҚИЙ ХУЛОСА**

1. Лойиҳанинг тури: Шартнома

2. Лойиҳанинг номи:


““Нурилло Урал Транс” МЧЖ ва Когон туман СЭО ва ЖСБ ўргасидаги 2022 йил 15 январдаги 35-сонли табиий (суюлтирилган) газ етказиб бериш шартномаси”.

3. Лойиҳа ишлаб чиқувчиси ва киритилган сана ҳақидаги маълумот:

Когон туман СЭО ва ЖСБ томонидан 2022 йил 19 январда марказга киритилган.

4. **Хуноса:** “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хуқукий базаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг конуни ҳамда бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ ишлаб чиқилган ва уни қабул қилиш мақсадга мувофиқ.

Когон туман юридик  
хизмат кўрсатиш маркази  
бош юрисконсульти



А.Шамсиев